



Президент “8 март – Халқаро хотин-қизлар куні муносабати билан муқофотлаш тўғрисида”ги фармонни имзолади.



Маҳалладаги ҳар бир кўча маълум йўналишга ихтисослашган. Биттасида аёллар касаначилиқнинг кўрпа-тўшак тикиш йўналишида меҳнат қилса, яна бошқасида сават тўқиш билан шуғулланади.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЊНАВНИЙ-МАЊРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2024 йил  
7 март,  
Пайшанба

# Mahalla

№16  
(2154)

**БУГУНГИ  
СОНДА:**

**Қуёш панеллари ҳақидаги маълумотлар нега очикланмайдими?**

Ўтган йилги режалар ижроси кампаниябозликка айлантирилмай иш тутилганида бу йилги кишда электр энергиясида узилишлар бўлмастлиги керак эди. Яна бир эътирозли ҳолат: ўрнатилган қуёш панеллари қанча электр энергияси генерация қилаётгани ҳақида ҳеч қандай даврий ва очик маълумот мавжуд эмас.

3-с.

**Ёшлар орасида нега гиёҳвандлар кўпаймоқда?**

Сўнги беш йилда республика ҳудудида гиёҳвандлик, психотроп ва қучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга ошган. Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гиёҳвандлик воситалари истеъмолчилари 60 фоизга кўпайган.

4-с.

**Йиғилиш ва мажлислар самарасиз... (ми)?**

Ҳафтада бир кунни мажлис ва йиғилишларсиз кун этиб белгилаш ходимнинг мустақил ишлашини 62 фоизга, меҳнат унумдорлигини 35 фоизга оширган, стресс ҳолатига учраш эҳтимolini 26 фоизга пасайтирган. Ҳафтада икки кун мажлисларсиз ўтса, ходимларнинг меҳнат унумдорлиги 71 фоизга ошгани аниқланди.

5-с.

**“Қулф-қалити” бор манзилга бегоналар кирмайди**

Қузатув камераларини хизмат хонамда ўтириб, қузатиб туришим шарт эмас, хоҳлаган жойда, хоҳлаган вақтда планшет ёрдамида қузатиб боришим мумкин. Агар бегона шахс ёки автотранспорт воситаси маҳалла ҳудудига кирса, хабар келади. Бу имконият натижасида жиноятдан холи ҳудудга айландик.

6-с.

**“Йиқилганга суянч ва таянч бўлдиқ”**

...Оилани тушқун қайфиятдан чиқариш мақсадида ижтимоий ходим, психолог ва нурунийлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилди. Дастлаб уларнинг рухий ҳолатини яхшилаш ҳамда ақин қариндош ва қўшнилар ўртасидаги муносабатини тиклаш, атрофдагилар билан мулоқотни йўлга қўйиш, ижтимоий ҳаётга мослашишига алоҳида эътибор қаратилди. Тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича жадвал ишлаб чиқилди.

7-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда қузатиң!

@mahalla\_raislari  
@mahalladosh\_1  
@mahalladosh



Сизни ўйлантираётган масалалар бўйича телеграмдаги «mahallalabo» га савол ва таклифларингизни юборинг ва барчасига жавоб олин!

## Наврўз барча маҳалланинг тантанаси, шодиёнаси

*Бу йилги байрам “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” деган бош ғоя асосида нишонланади*

**ТАДРИК**

**Санжар ИСМАТОВ.**

Баҳор ва табиат уйғонишининг тим-соли, шарқона янги йилнинг бошланиши – Наврўзи оламни катта шодиёна билан нишонлаш гўзал аънамага айланган.

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 4 мартдаги “2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорини халқимиз катта мамнуният ва аъло қайфият билан қарши олди.

Президент қарорига кўра, бу йилги Наврўз байрами мамлакатимизда “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” деган бош ғоя асосида нишонланади.

Нафосат ва гўзаллик байрами барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда оммавий сайиллар шаклида катта тантана қилинади.

Бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланади. Шуни инобатга олиб, кекса авлод вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Са-

ховат” ва “Муруват” уйларида яшайётган шахслар, ижтимоий Ҳимоя дафтарларига қиртилган ҳамда кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун дастурхонлар ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Наврўз байрами арафасида барча ҳудудларда, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига қаратилган умумхалқ ҳашарлари ўтказилади.

Айни кунларда барча маҳаллаларда байрамга катта тайёргарлик кўриломоқда. Кўчалар, хиёбонлар ободонлаштирилиб, байрамона безатилмоқда. Кўчат экиш ишлари қизгин паллага кирган. Маҳаллаларда ёшлар ўртасида улоқ-кўпқари, қураш, пойга, чиллак, арқон тортиш каби миллий ўйинлар ташкил этиляпти.



2-с.

**МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ!**

**“Тажриба ўрганишга, мулоқот ўрнатишга эҳтиёж катта”**

*Маҳалла ходимлари учун ташкил этилаётган ўқув-семинарлар “еттилик” тизими фаолиятини самарали йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.*

**Бобур ТўРАҚУЛОВ,**  
Музработ туманидаги “Янги ҳаёт” маҳалласи раиси:

– Президент фармони асосида “маҳалла еттилиги” ташкил этилди. Ижтимоий ёрдам кўрсатишни жамоавий ҳал этиш имконияти берилди, Бандлик, Тадбиркорлик ва Касаначилик жамғармалари маблағларини ҳар бир маҳаллага тақсимлаб бериш амалиёти жорий этилди.

Очиги, маҳаллаларга берилётган бундай вақолат, кенг имконият тарихда қузатилмаган воқеа бўлди. Албатта, буларнинг замирида катта масъулият ва жавобгарлик ҳисси борлигини яхши англаб турибмиз. Фаолиятимиз давомида адашмаслик ва ишимизни шаффоф йўлга қўйишимизда мазкур семинарларнинг ўрни катта. Тадбир давомида ўзимизга керакли барча маълумотларга эга бўлдик, саволаримизга батафсил жавоб олдик.

Айтиш жоизки, ҳудудларда камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали йўли – мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдалана олишидир. Шу кунгача имкониятлардан тўғри фойдаланишга ҳаракат қилиб келинмоқда.

Маҳаллаимиздаги 1 183 та оилада 4 285 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2023 йил давомида 103 нафар ишсиз фуқаро бор эди, бугунги кунга келиб, бу рақам 49 тага камайди. Худудда 46 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти хизмат кўрсатиш йўналишидаги тадбиркорлар. Йирик корхоналар мавжуд бўлмаса-да, аҳоли хизмат кўрсатиш ҳамда ўзини ўзи банд қилиш орқали рўзгорини бутламоқда.

Энди ишимиз қайсидир маънода янада енгиллашди. Аниқроғи, имконият ва вақолатларимиз орди. “Маҳалла еттилиги”нинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш орқали натижаларга кўпроқ эришамиз, албатта.

Бундай семинарлар тез-тез ўтказилиши ўз самарасини бериши шубҳасиз. Таклифим, келгусида энг фаол ва ўзига хос тажрибага эга “маҳалла еттилиги” фаолиятини республика миқёсида оммалаштириш мақсадида маҳаллалар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш майдонини яратиш керак, деб ўйлайман.

2-с.



Каримжон Мамадалиев – Бекобод туманидаги “Гулистон” маҳалласи раиси, танловнинг Тошкент вилояти босқичи ғолиби.

## БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА ТАШАББУСЛАР БЕЛЛАШУВИ

*«Энг намунали маҳалла раиси» танловининг худудий босқичлари қизгин ва мурасасиз ўтязпти*

**ТАНЛОВ**

Уч босқичда ташкил этилган танловнинг дастлабки – сектор босқичи 19-25 февраль, иккинчи – туман (шаҳар) босқичи 26-29 февраль кунлари ташкил этилди. Унда 1-ўринни қўлга киритганлар учинчи – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида 5-9 март кунлари ўзаро беллашади.



Республика маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши – ҳудудларда биринчи ўринни қўлга киритган 14 нафар маҳалла раисига «Энг намунали маҳалла раиси» фахрий ёрлиғи ва 10 миллион сўм миқдорда пул муқофоти ажратяди.

2-с.



Президент "Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги ҚАРОРга имзо чекиди.



Президент Тошкент шаҳрида йўл ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ тартибга келтириш режаларини кўриб чиқди.



Лихтенштейн Ўзбекистон билан дипломатик муносабатлар ўрнатган 146-ДАВЛАТга айланди.

МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ!

# “Еттилик” худуднинг “юррак уриши”ни ҳис қилиши керак

**Хумойиддин ХАЛИЛОВ,**  
Термиз туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласи раиси:

– Маҳалла тизимидаги бугунги ислохотларгача раис, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат тузилма бўйича ишлади. Бу тизимда сезиларли натижаларга эришганимизни очиқ айтиш керак. Эндигиде сафимизга солиқ инспектори ва ижтимоий ходим қўшилгани маҳаллани катта кучга айлантирди.

Энди эхтиёжманд аҳолини рўйхатга киритиш, моддий ёрдам, субсидия ва кредит ажратиш каби еттишдан ортиқ масала ўзимизда ҳал бўлади. Кўплаб масалалар туман ва вилоят идораларига чиқмасдан, маҳалланинг ўзида ечим топади. Президент маҳаллаларга қандай катта ваколат берганини ўтказилаётган семинарлар орқали янада теранроқ англаб етганимиз. Қулай ва электрон иш юритишга ўтмоқдамиз. Кўрилатган ҳар бир чора-тадбир бизнинг ҳамжиҳат ишлашимизга хизмат қилади. Шу билан бирга, масъулиятимизни оширади.

Айни пайтда маҳалламизда 727 та хонадон бор, уларда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Оилалар сони 944 та. “Еттилик” фаолиятининг дастлабки кунидан худудни янада чуқурроқ ўрганишга киришдик. Зиммамизга қандай вазифа юклатилганини яхши ҳис қилишимиз. Ҳозир маҳаллада ёлғиз кекса, ногиронлиги бор ва бошқа муҳтожларга ижтимоий хизмат кўрсатиш борасида аниқ вазифаларни белгилаб олганмиз.

Маҳалладаги ишсизлар рўйхатини шакллантирганмиз. Шу кунгача юз нафардан ортиқ ишсиз аҳоли доимий ва мавсумий ишларга жойлаштирилди. Яна қарийб шунча аҳолини “Ишга марҳамат” мономарказлари ва бошқа нодавлат таълим муассасалари орқали ўқитишни режалаштирмоқдамиз.

Янги иш ўринларини очишда ташаббускор тадбиркорларнинг хизмати катта бўлмоқда. Мисол учун, Президент фармони билан яқинда “Дўстлик” ордени билан мукофотланган 63 ёшли тадбиркор-деҳқон Бобоёр Холбоев ўз иссиқхонасида 12 нафар маҳалладошини доимий иш билан таъминлаган. Эътиборлиси, уларнинг ўн нафари хотин-қизлардир.

Маҳалланинг янги маркази – маҳалла биноси, гузар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари, сартарошхона, кутубхона ва соғломлаштириш хоналари аҳоли хизматида. Уларнинг узлуқсиз ишлаши доимий назоратимизда. Бир сўз билан айтганда, “маҳалла еттилиги”нинг фаолияти ишларимизнинг янада самарали бўлишига хизмат қилиши шубҳасиз. Бу ўринда ҳеч бир масала эътибордан четда қолмайди. Зеро, “еттилик” худуднинг “юррак уриши”ни ҳис қилиши керак.



# Наврўз барча маҳалланинг тантанаси, шодиёнаси

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада.



Наврўз байрамини юртдошларимиз ўз оилаларида, маҳаллаларида нишонлаши, Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларига саёҳат қилиши, умуман олганда, марокли дам олиши, хардик чикариши учун Президентнинг “2024 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида кўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, дам олиш кунлари белгиланган.

Фармонга кўра, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан Ўзбекистонликлар кетма-кет 4 кун – 21-24 март кунлари дам олади. Жумладан:

- 21 март (пайшанба) – Наврўз байрами кунини;
- 22 март (якшанба) – кўшимча дам олиш кунини;
- 23 март (шанба) – дам олиш кунини;
- 24 март (якшанба) – дам олиш кунини.

Бунда олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 23 март – шанба кўшимча дам олиш кунини сифатида белгиланган.

Президент фармонида асосан, “Uzbekistan Airways” АЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга ички транспорт қатновлари учун чегирмалар бериш ва акциялар ўтказиш тавсия этилган. Шунга кўра, ҳозирча “Uzbekistan Airways” АЖ 21 мартдан 24 мартгача Ўзбекистон бўйлаб амалга ошириладиган маҳаллий авиақатновларнинг “эконом” ва “бизнес-класс” тарифларига 30 фоиз чегирма эълон қилди.



# БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА ТАШАББУСЛАР БЕЛЛАШУВИ

Санжар ИСМАТОВ, Абдували ХУДОЁРОВ, Маҳфуза АКБАЕВА.

Танлов ғолибларига Республика маҳаллани кўллаб-қувватлаш кенгаши – худудларда биринчи ўринни кўлга киритган 14 нафар маҳалла раисига «Энг намунали маҳалла раиси» фахрий ёрлиғи ва 10 миллион сўм, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллани кўллаб-қувватлаш кенгашлари – 5 нафаргача маҳалла раисига «Энг намунали маҳалла раиси» фахрий ёрлиғи ва 5 миллион сўм, Туман (шаҳар) маҳаллани кўллаб-қувватлаш кенгашлари – 3 нафаргача маҳалла раисига «Энг намунали маҳалла раиси» фахрий ёрлиғи ва 3 миллион сўм миқдорда пул мукофоти ажратди.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукус шаҳридаги Ёш томошабинлар театрида ташкил этилган танловнинг худудий босқичида маҳалла раисларининг маҳоратини Ҳакамлар хайъати 3 та шарт асосида баҳолаб борди. Бунда иштирокчилар фаолият йўналишлари бўйича тақдимот намоийшларини ўтказишди. Уларнинг соҳага оид билимлари савол-жавоб асосида баҳоланди. Муаммоли вазиятларга қанчалик даражада ечим топа олишлари аниқланди.

Яқуний натижаларга кўра, биринчи ўринни Чимбой туманидаги “Ҳужумли” маҳалласи раиси Ҳужимгул Абдурасулбева, иккинчи ўринни Бўзатов туманидаги Қусханатов овул фуқаролар йиғини раиси Жугинис Нурманов, учинчи ўринни Тўртқўл туманидаги “Яшнобод” маҳалласи раиси Урингул Аллаберденова кўлга киритди.

– Танлов ўз имкониятларимизни синовдан ўтказишга хизмат қилди, – дейди “Ҳужумли” маҳалласи раиси Ҳужимгул Абдурасулбева. – Очиғи, ҳамкасбларимизнинг билими, ташаббуслари, мулоҳаза юритиши менда катта таассурот қолдирди. Бу ютуқ фақат ўзимники эмас, маҳалламиздаги барчаники – оддий одамлардан тартиб, маҳалла еттилиги нинг ҳар бир аъзосига. Зеро, жамоада ҳамжиҳатлик, бирдамлик бўлмаса, одамлар ташаббусларимизни кўллаб-қувватламаса, маҳалла раисининг ўзи ҳеч нима қила олмайди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Олмалиқ шаҳридаги “Металлург” маданият саройида ўтказилган танловнинг вилоят босқичида 22 нафар маҳалла раиси ўз билимини синовдан ўтказди.

Танлов натижаларига кўра, энг юқори натижани Бекобод туманидаги “Гулистон” маҳалласи раиси Каримжон Мамадалиев кайд этди. Ундан кейинги поғоналарни Олмалиқ шаҳридаги Ислоом Каримов номи маҳалла раиси Алишер Ҳотамов, Пискент туманидаги “Бекобод” маҳалласи раиси Гўлбахор Ҳуможанова эгаллади.

– Маҳалламизда 3 755 нафар аҳоли истиқомат қилади, – дейди “Гулистон” маҳалласи раиси Каримжон Мамадалиев. – “Маҳалла еттилиги” ҳар бир қарч ердан унумли фойдаланишни мақсад қилганмиз. Хатлов асосида ижтимоий дафтарларда турган 150 нафар ишсиз фуқарога 10 сотихдан ер ажратиб бердик. Энг катта мақсадимиз – тадбиркорликнинг камхарж усулларини ўраттиш орқали имкон борича ердан, иссиқхоналардан мўл-қўл ҳосил олиш. Бу борада ёшларни деҳқончиликнинг “ҳадисини олган” тажрибали фермерларга бириктиряймиз.

## ТОШКЕНТ ШАҲАР

Ўчтепа туманидаги маданият саройида ўтказилган танловнинг шаҳар босқичида ҳар бир шартда раисларнинг маҳорати, дунёқараши, ташаббусларини тажрибали Ҳакамлар хайъати баҳолаб борди. Жараёнда иштирокчилар ҳуқуқий савол-жавоблар орқали тизимга оид билимларини намоийш этишди.

Яқуний баҳолаш натижаларига кўра, биринчи ўринни Чилонзор туманидаги “Чилонзор” маҳалласи раиси Бахтиёр Абдуллаев, иккинчи ўринни Шайхонтоҳур туманидаги “Янги Белтепа” маҳалласи раиси Нейматилла Халигитов, учинчи ўринни Олмазор туманидаги “Зиё” маҳалласи раиси Ибайдулла Мамажанов кўлга киритди.

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд шаҳридаги “Нурафшон” санъат саройида 16 нафар маҳалла раиси ғолиблик учун беллашди.

Уч шарт – маҳалла раисининг амалга оширган ишлари тақдимоти, соҳага оид қонун ҳужжатлари бўйича савол-жавоб ҳамда маҳаллада учрайдиган қўлланмаган муаммоли вазиятга ечим топиш бўйича маҳоратни намоийш қилиш. Илгари шу каби танловларни кўп кузатганимиз боис бир ҳолат эътиборни тортди. Ҳар бир раис олдига қўйилган вазифани бажариш, аниқроғи, маҳалласининг фаровонлигини таъминлашда турлича ёндашувларни қўллапти. Кимдир худуд ободлигини биринчи ўринга қўйган бўлса, яна кимдир бор эътиборини таълимни ривожлантиришга қаратган. Бошқа бир раис: “Мен учун энг муҳими аҳолининг тинч-тотувлиги”, дейди. Айтмоқчи бўлганим, раислар янгича фикрлапти ва ҳар бири ўзига хос тажриба мактабини яратяпти.

– Маҳалла раисининг фаолиятига ҳақиқий баҳони фуқаролар беради, – дейди Самарқанд шаҳридаги “Боғимайдон” маҳалласи раиси Тошпўлат Раҳматуллаев. – Буни худудлардан тушаётган муржаатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Агар раис ўз ишини тўғри ўйла кўймаган, аҳоли билан яқинлашмаган бўлса, фуқаролар юқори турувчи идораларга муржаат қилаверадди. Акси бўлса, муаммо маҳалланинг ўзида ҳал бўлади. Таклифим, бундан кейин раислар фаолиятига баҳо беришдан олдин махсус комиссия тузилиб, маҳаллалардаги муҳит, фуқароларнинг кайфияти ўрганилсин. Шунда адолат бўлади.

Танловнинг яқуний натижаларига кўра, биринчи ўрин Каттакўрғон шаҳридаги “Яккабоғ” маҳалласи раиси Равашан Ҳамроева насиб этди. Иккинчи ўринни Самарқанд шаҳридаги “Боғимайдон” маҳалласи раиси Тошпўлат Раҳматуллаев, учинчи ўринни Нуробод туманидаги “Нурбулоқ” маҳалласи раиси Жасур Холов эгаллади.

Танловнинг худудий босқичлари 6 март санасида Жиззах, Сурхондарё, Фарғона, Бухоро вилоятларида кўтаринки рўхта ўтказилди. Бугун – 7 март санасида Сирдарё, Қашқадарё, Наманган, Хоразм, Навоий вилоятларида, 9 март санасида Андижон вилоятида танлов ташкил этилади.

# МУКОФОТ МУБОРАК!

ЭҲТИРОМ



«Меҳнат шухрати» ордени  
**Бағишова Билимжон Алимбековна** – Чортоқ туманидаги «Соз-сой» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Наманган вилояти.

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени  
**Бафоева Сидиқа Хамроевна** – Когон шаҳридаги «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Бухоро вилояти;

**Ташматова Зулфия Азизовна** – Чилонзор туманидаги «Кўркам» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри.

«Келажак бунёдкори» медали  
**Маматмўминова Иқбол Эркин қизи** – Шўрчи тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Сурхондарё вилояти;  
**Худойбердиева Малика Валижон қизи** – Учқудуқ тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси, Навоий вилояти.

8 март – Халқроқ хотин-қизлар куни арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланди. Эътиборлиси, улар орасида маҳалла тизимида самарали фаолият юритиб келатган “Маҳалла еттилиги” вакиллари ҳам бор.

«Шухрат» медали  
**Абдукаримов Саодат Жуманазаровна** – Янгиариқ тумани «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Хоразм вилояти;  
**Бобокулова Гулнора Норматовна** – Жиззах шаҳридаги «Зилот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти;

**Жуманазарова Гулчеҳира Жумахметовна** – Кеғейли тумани «Халқобод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Қорақалпоғистон Республикаси.

**Зулфия номидаги Давлат мукофоти Жонибекова Хусниёбону Эргашвой қизи** – Андижон вилояти Хўжабод тумани «Гара гури» маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси.

“Mahalla” газетаси таҳририяти жамоаси мукофотланганларни табриқлаб, келгуси фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайди.



**Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ қабул қилинди.**



**Президент қарори билан СУҒУРТА ПОЛИСЛАРИНИ қоғоз шаклида расмийлаштириш амалиёти бекор қилинади.**



**“ИБРАТ ФАРЗАНДЛАРИ” ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилди.**

# Қуёш панеллари ҳақидаги маълумотлар нега очикланмайди?



**Максадбек ФАЙЗ.**

Биз мақола учун фойдаланиш мақсадида Энергетика вазирлиги масъулларидан 2023 йилги ҳисоботлар, таҳлилларни тақдим этишни сўрадик.

Президент Шавкат Мирзиёев қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш бўйича 2024 йил учун устувор вазифаларга бағишланган йилги ҳисоботда қуёш панелларини ўрнатишда кўзбўямачилик ва «қўшиб ёзиш» ҳолатларининг олдини олиш юзасидан топшириқ берганидан хабарингиз бор.

Бу бежиз эмас. Чунки 2023 йилда бу борада муаммолар кузатилди. Рақамларни «шишириб» кўрсатиш охири-оқибат таҳлилларда салбий акс этди. Масалан, 2023 йилда ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларида 219,4 МВт., тадбиркорларнинг бино ва иншоотларида 742,7 МВт., аҳоли хонадонларида 182,1 МВт., жами 1 144,2 МВт. қувватли қуёш панеллари ўрнатилиши керак эди. Аммо якуний ҳисоботда акс этишича, панел ўрнатиш режаси 2024 йилнинг яна 2 ойини қўшганда ҳам 40 физга бажарилмаган. 687,2 МВт. лик режаланган қувват ишга туширилмаган. Этибор берсангиз, ўтган ҳафтада бир кунлик энергетик чекловлар 700 МВт. гача етган. Бошқача айтганда, ўтган йилги режалар ижроси кампаниябозликка айлангандай иш тутилганида бу йилги қишда электр энергиясида узлишлар бўлмаслиги керак эди.

Яна бир эътирозли ҳолат: ўрнатилган қуёш панеллари қанча электр энергияси генерация

**МУЛОҲАЗА**

қилаётгани ҳақида ҳеч қандай даврий ва очик маълумот мавжуд эмас. Иқтисодчи Отабек Бакировнинг қайд этишича, агарда 2023 йил режалари бажарилганида ўрнатилган қуёш панеллари 900,3 млн. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқариши лозим эди. Бу Туркменистондан 45 кунлик электр энергияси импорти билан тенг экан.

Чиндан Энергетика вазирлигининг очик маълумотида ўтган йили давомида фақат бир марта 9 июнь кунли ижтимоий соҳа объектлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларга тегишли бинолар ва аҳоли томонидан қуввати 240 МВт. бўлган панеллар ўрнатилгани ва панеллар суткасига 1,1 млн. кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқараётганини маълум қилганди. Шундан буён ҳамма жим. Айниқса, тадбиркорларга ўрнатилган қуёш панеллари қай даражада самара бергани ҳақида тўлиқ маълумот топиб бўлмади. Ваҳоланки, бу ишларнинг барчаси давлат бюджетидан молиялаштирилган.

Ўтган йилги хатолар ва рақам кетидан қувиш салбий оқибатини мутасаддилар тушуниб етган кўринади. Буни

ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИНИНГ ОЧИК МАЪЛУМОТЛАРИДА ЎТган ЙИЛги ДАВОМИДА ФАҚАТ БИР МАРТА 9 ИЮнь КУНли ИЖТИМОЙ СОҲА ОБЪЕКТЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ТАДБИРКОРЛАРГА ТЕГИШЛИ БИНОЛАР ВА АҲОЛИ ТОМОНИДАН ҚУВВАТИ 240 МВТ. БўЛган ПАНЕЛЛАР ўРНАТИЛгани ВА ПАНЕЛЛАР СУТКАСИГА 1,1 МЛН. КВТ. СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАётганини МАЪЛУМ ҚИЛганДИ. ШУндАН БУён ҲАММА ЖИМ.

2024 йилда қуёш панелларини ўрнатиш режаси 3 баробардан кўпроққа камайганидан сезиш мумкин. Демак, ўтган йилги кампаниябозликда йўл қўйилган хатолар, беҳуда харажатлар жорий йилда такрорланмаслигига умид бор.

Дастурга кўра, 2024 йилда Ижтимоий соҳа объектлари ва давлат идораларига 60,9 МВт., тадбиркорлик субъектларига 175,7 МВт., аҳоли хонадонларига 102,2 МВт., қўп қаватли турар жойларга 8,0 МВт., жами 346,8

МВт. бўлган кичик қувватли қуёш панеллари ўрнатишлари керак бўлади.

Биз мақола учун фойдаланиш мақсадида Энергетика вазирлиги масъулларидан 2023 йилги ҳисоботлар, таҳлилларни тақдим этишни сўрадик. Афсуски, ҳафта ўтса-да, бу маълумотлар билан танишиш имконига эга бўлмадик.

Ваҳоланки, бу очик маълумотларда акс этиши керак эди. Умид қиламизки, жорий йилги бажарилган ишлар, эришилган

натижалар очик манбааларда акс этади. Айниқса, давлат идоралари ва ижтимоий соҳа объектларига ўрнатилган қуёш панеллари қанчалик самара берапти? Улар ўзидан ортган қанча қисмини сотаяпти? Бу каби саволларга жавоб нафақат шафтофликни таъминлайди, балки бошқа корхона ва ташкилотларни харакатга келтиради. Улар ҳам қуёш панели афзаллигини ҳис этади.



## Уй ишчиси билан меҳнат шартномаси қандай тузилади?

**БИЛАСИЗМИ?**



Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўра, иш берувчи бўлган жисмоний шахс томонидан ёзма шаклда тузиладиган меҳнат шартномаси уй ишчиси билан яқка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар юзага келишига асос бўлади.

Ишга қабул қилинаётган уй ишчиси билан номуайян муддатга меҳнат шартномаси ёки муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.

Меҳнат шартномаси тузилгунча қадар уй ишчиси иш берувчи бўлган жисмоний шахс томонидан меҳнат шартлари тўғрисида олдиндан хабардор қилиниши керак.

Уй ишчиси билан меҳнат шартномаси уч нусхада тузилади, улардан бири иш берувчи бўлган жисмоний шахснинг яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади, иккинчиси иш берувчида қолади, учинчиси эса ходимга берилади.

Уй ишчиси билан тузиладиган меҳнат шартномасининг намунавий шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Агар тарафлар уй ишчисини озиқ-овқат ва уй-жой билан таъминлаш тўғрисида келишувга эришган бўлса, бу шарт меҳнат шартномасининг мазмунига киритилиши керак.

Уй ишчиларини ишга қабул қилиш буйруқ эълон қилинмасдан амалга оширилади. Уй ишчиларига меҳнат дафтарчалари юритилмайди.

## Гулчилик машаққатли, аммо даромадли соҳа



**Шерзод ОТАМУРОДОВ,** Хива туманидаги «Парчанхос» маҳалласи хоким ёрдамчиси.

Алоҳида эътироф этадиган жиҳат — гулчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, шу орқали оилалар даромадини оширишга эришилмоқда.

Маҳаллани ривожлантиришнинг асосий «драйвери» — иссиқхона хўжалиги, гулчилик, кўчатчилик. Шу сабабдан аҳоли асосан гул, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари етиштириш билан шуғулланади. Табиийки, меҳнатлари ортидан катта даромад топапти.

2023 йилдаги ҳатловда 112 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлиб, йил охиригача 43 нафарнинг бандлиги таъминланди. Қолган фуқаролар тикувчилик йўналишида касб-хунарга ўқитилмоқда. Сабаби маҳаллада «Хива текс» тикувчилик корхонаси ишга тушиб, 350 та иш ўрни яратилди. Юқорида таъкидланган ишсиз фуқаролар ўқишни тамомлагач, шу корхонага ишга қабул қилинади. Маҳаллада жами тадбиркорлик субъекти 56 тани ташкил этади. Йил давомида 53 нафар талабгорга кредит, 8 нафарига субсидия ажратилди.

Алоҳида эътироф этадиган жиҳат — гулчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, шу орқали оилалар даромадини оширишга эришилмоқда. Айниқса, бу соҳа аёллар бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бугунга келиб, маҳалламиздаги барча ишсиз аёллар иш билан таъминлангани фикримиз-

**ТАЖРИБА**

**ГУЛ КўЧАТЛАРИ ЕТИШТИРИШ НОЗИК, МАШАҚҚАТЛИ, ЛЕКИН СЕРДАРОМАД ИШ. ГУЛ КўЧАТЛАРИ МАВСУМГА ҚАРАБ ЕТИШТИРИЛАДИ. ТУРЛИ КўЧАТЛАРГА ТУРЛИЧА ИШЛОВ БЕРИЛАДИ. ПАРВАРИШЛАНАДИ. БУ ИШНИ ЯХШИ БИЛМАГАН КИШИ, ЯХШИ НАТИЖАГА ЭРИША ОЛМАЙДИ.**

ган аёллар эса маҳаллада иш олиб бораётган гулчиларга бириктирилди. Маҳалла худудининг 2 гектар ер майдонига иссиқхона ташкил қилинган. Оллаберган Оллаберганов гулчиликнинг ҳадисини олган уста деҳқонлардан. Ҳозирда мазкур иссиқхонада 50 минг тулдан ортиқ гул кўчатлари мавжуд. Асосан «япон сапораси», «шафран», «Виола», «Филаргония» каби гул навлари етиштирилмоқда. Иссиқхонада 10 нафар хотин-қиз доимий иш билан банд.

Гул кўчатлари етиштириш но-зик, машаққатли, лекин сердаромад иш. Гул кўчатлари мавсумга қараб етиштирилади. Турли кўчатларга тур-лича ишлов берилади, парваришланади. Бу ишни яхши билмаган киши, яхши натижага эриша олмайдми. Шу боис, ушбу иш билан шуғулланишни истаганлар соҳанинг ўзига хос, нозик жиҳатларини пухта ўзлаштириши муҳим. Шундагина у бу иш ортидан катта даромад топа олади.

Маҳаллада етиштириляётган гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари нафақат Хоразм, балки республикамизнинг барча вилоятларидан келган харидорлар томонидан сотиб олинади. Бундан ташқари, кўчатларни қўшни давлатларга экспорти йўлга қўйилган.



Оллаберган Оллабергановнинг гулчиликка ихтисослашган иссиқхонасидан фотолаваҳа.

**2023 йилдаги ҳатловда 112 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлиб, йил охиригача 43 нафарнинг бандлиги таъминланди. Қолган фуқаролар тикувчилик йўналишида касб-хунарга ўқитилмоқда.**



Вазирлар Маҳкамаси қарори билан мева-сабзавот маҳсулотларининг энг кам ЭКСПОРТ НАРХЛАРИ белгиланди.



Давлат дастури ижроси: 4 МИНГДАН ОРТИҚ ХОТИН-ҚИЗ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН.



Янги қонун лойиҳасига кўра, уй-жойдан маҳрум этилган мулкдорга ЗАРАРНИНГ ЎРНИ ҚОПЛАБ БЕРИЛАДИ.

## БИЛАСИЗМИ

## «ЁШЛАР ДАФТАРИ»ГА ҚАНДАЙ ТИИФДАГИ ЁШЛАР КИРИТИЛАДИ?

Ёшлар ишлари агентлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

«Ёшлар дафтари»га 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган куйидаги тиифдаги ёшлар киритилади:

- оила аъзоси «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя аягона реестри»га киритилган;
- ижтимоий ҳимояга муҳтожлар; боқувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамогидан маҳрумлар;
- ўзага нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган;
- ўзгалар парварлишига муҳтож бўлган ишга лаёқатсиз;
- I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- фарзандида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган;
- ота-онасидан бирида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисидида I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган;
- юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган; зўравонлик ва эксплуатация, табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнгинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётга, соғлиғига, мулкига зарар етган; «Меҳрибонлик» уйи, Болалар шахарчаси ёки оилавий болалар уйида тарбияланган;
- ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган;
- даволанишга муҳтож бўлган бемор ёшлар;
- жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган; муайян яшаш жойига эга бўлмаган;
- психологик маслаҳатга муҳтож;
- никоҳи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган ёш оила;
- деҳқончилик ёки томорқа хўжалигини юритаётган;
- ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар киритилади.

Яқингача маҳалламизнинг М-37 йўли серкатнов бўлиб, мактаб ўқувчилари учун жуда хавфли эди. Бу ота-оналарни ташвишига айланиб қолганди. Шу сабабли раҳбариятга ер ости ўтиш йўли қуриб бериш таклифини билдирдим. Таклифим маъқулланиб, муаммо ижобий ҳал қилинди. 4 млрд. сўм маблағ ҳисобига ер ости ўтиш йўли қурилди. Бу орқали йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинди.

## Етакчи таклифи билан ерости йўли қурилди

Худудимизда 1 952 та хонадон бор. 1 286 нафар ёшлар истиқомат қилади. 2023 йил ўтказилган хатловда уйма-уй юриб, уларнинг муаммосини ўргандим. Шу асосида «Ёшлар баланси» шакллантирилди. Билдирилган таклиф ва мурожаатлар «Ёшлар портали» электрон платформасида акс этди. Хатловга кўра, 2023 йилда «Ёшлар дафтари»га 52 нафар йигит-қиз киритилган бўлиб, барчасига ёрдам берилди. Жумладан, 7 нафар ишсиз ёшга асбоб-ускуна олиши учун субсидия ажратилди, 16 нафар талабанинг шартнома пулининг яримини тўланди, 4 нафарига имтиёзли кредит ажратилди, 13 нафари доимий ишга жойлаштирилди, 3 нафарига келажак касбларини ўрганиш учун ва 2 нафарига фуқаролик паспорти харажатлари учун бадал пули қоплаб берилди. Бундан ташқари, 6 нафарининг сафарбарлик қақириви резерви, даволаниш ва бошқа харажатлари учун маблағ ўтказилди. 7 нафар ногиронлиги бор ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Рўхсона Муродова Бухоро давлат педагогика институтида 2-курс талабаси эканлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, унинг 50 фоиз шартнома пуллари «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланди. Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2-босқичида тахсил олаётган Рисолат Рустамованинг мурожаатидан сўнг унга ҳам тўлов-контракт суммасининг 50 фоиз миқдорини тўлаш бўйича сертификат тақдим этилди.

Яна бир қаҳрамонимиз Матлубахон Маҳдиева бўлиб, унинг онаси тикувчи бўлгани учун бу касбга болагадиган меҳри тушган. Шу боис мактабни тугатиши билан кўшимча курсларга бориб, тажрибасини оширди. Ортирилган тажрибаларни амалиётда синаш учун унга «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан тикув машинаси ажратди. Матлубахон ҳозир ушбу имкониятдан унумли фойдаланиб, онаси билан келин-куёв сарполари, қўрпа-тўшак тикиш ва қавиб бериш ишлари билан шуғулланиб келяпти. Давлатимизнинг кичкина эътибори ушбу оиланинг катта рўзғори учун кут-барака, даромад олиб кирди.

Маҳаллада ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича «Калқон» гуруҳини шакллантирганимиз. Улар профилактика инспекторига кўмаклашиб, тинчлик-осудалини таъминлашга ҳисса қўшади. Ўтган йили 10 нафар ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёшлар аниқланиб, «Бир нурунийга 10 нафар ёш» тамойили орқали нурунийларга бириктирилди. Эътиборлиси, 2022-2023 йиллар давомида бирорта жиноят содир этилмади.

Юқорида таъкидланганидек, ёшлар таклиф ва муаммоси мунтазам ўрганилиб, ҳал этиб борилмоқда. Масалан, яқингача маҳалламизнинг М-37 йўли серкатнов бўлиб, мактаб ўқувчилари учун жуда хавфли эди. Бу ота-оналарни ташвишига айланиб қолганди. Шу сабабли раҳбариятга ер ости ўтиш йўли қуриб бериш таклифини билдирдим. Таклифим маъқулланиб, муаммо ижобий ҳал қилинди. 4 млрд. сўм маблағ ҳисобига ер ости ўтиш йўли қурилди. Бу орқали йўл-транспорт ҳодисаларининг олди олинди.

2023 йилда «Беш ташаббус олимпиадаси»нинг 2-мавсуми доирасида маҳалладаги ёшлар ўртасида тарғибот тадбирлари олиб борилди. Сектор босқичида барча йўналишлар бўйича жами 26 нафар ёш иштироқ этиб, уларнинг 7 нафари туман босқичига, 2 нафари вилоят босқичига йўланма олди.

**Зарина ТОИРОВА**  
Бухоро туманидаги «Работак» маҳалласи ёшлар етакчиси.

## ТАЖРИБА



Матлубахон Маҳдиева онаси билан иш жараёнида.

## Ёшлар орасида нега гиёҳвандлар кўпаймоқда?

## ФИКР

Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда республика ҳудудида гиёҳвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга ошган. Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гиёҳвандлик воситалари истеъмолчилари 60 фоизга кўпайган.

Кейинги пайларда ёшларимиз орасида кучли таъсир қилувчи ва таркибида психотроп моддалар мавжуд бўлган дори воситаларига ружу қўйиш, шундай воситаларга қарамлик ҳолатлари кўп кузатишмоқда. Бу иллат ёш оилаларнинг барбод бўлишига, болаларнинг тирик етим қолишига сабаб бўлаётгани таассуфли.

Ушбу иллатнинг ёшлар орасида оммалашишига сабаб ўсмирларнинг ҳар нарсасига қизиқувчанлиги, тез таъсирланиши, берилувчанлиги, ушбу касаллик туфайли келиб чиқаётган асоратларни билмаслиги ҳамда аҳоли орасида гиёҳванд восита ёки гиёҳвандлик касаллиги тўғрисидаги ахборотларнинг камлиги билан боғлиқ.

Маълумотларга кўра, сўнгги беш йилда республика ҳудудида гиёҳвандлик, психотроп ва кучли таъсир қилувчи воситалар ноқонуний муомаласи учун жавобгарликка тортилган шахслар орасида ёшлар 74 фоизга ошган. Наркологик ҳисобга олинган 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган гиёҳвандлик воситалари истеъмолчилари 60 фоизга кўпайган.



хўш, ёшларни гиёҳвандлик моддалари таъсирига тушиб қолишига нима сабаб бўлмоқда? Охириги вақтларда бу иллатга ружу қўйиш ҳолатлари нега борган сари кўпаймоқда?

Фикримча, айримлар тўқликка шўҳлик қилса, бошқалар ўзи билмаган ҳолда – алдовлар натижасида унинг қурбонига айланиб қоляпти. Ёшларнинг ажал гирдобига тушиб қолишида кўпинча оиладаги муҳит ёки эътиборсизлик сабаб бўлмоқда. Бу дардга мубтало бўлганлар орасида ёшлар билан бирга, аёллар борлиги янада

## ташвиши.

Шу маънода, бугун муаммонинг оқибатлари билан эмас, балки сабаблари билан қурашиш самаралироқ. Бу қураш қандай амалга оширилади? Фақат тарғибот-ташвиқот ва медиа имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали.

Мамлакатда барча турдаги гиёҳвандликка қарши изчил қураш кетмоқда. Хусусан, маҳаллаларда, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида, меҳнат жамоаларида гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчили оқибатлари ҳақида маънавий-маърифий тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳар йили февраль ойида ички ишлар органлари ходимлари «Ёшлар орасида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг тарқалишига қарши қурашиш» ойлигини ўтказиб келмоқда. Мазкур тадбирларда ёшлар орасида янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва «енгил наркотик» сифатида оммалашиб бораётган дори-дармонларнинг инсон саломатлиги билан бир қаторда, турмуш тарзига,

келажакка, яқинларига салбий таъсири тушунтириляпти. Ушбу иллатнинг олдини олиш учун аввало, хасталикнинг сабаб бўлувчи омилларини бартараф этиш, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни спортга жалб этиш, уларнинг маънавий дунёсини умуминсоний кадриятлар ва миллий ғурур ҳисси билан бойитиш ҳаётий заруратдир.

Ёшларни дунёқароши эндигандликка қарши қурашиш бир пайта, уларни алдов йўллари билан гиёҳвандлик қурбонига айлантараётганлар оз эмас. Ўз ҳаётини қаппайтириш илинжида оғуни воёга етмаган ёшлар орасида тарқатиб, уни истеъмол қилишга тарғиб қилаётганига жим қараб туриб бўлмади. Гиёҳвандликка қарши қурашиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иши эмас, ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши керак. Зеро, бунга ҳамма – бутун жамият бирдек масъул!

**Муқаддас ҲАЗАЛИЕВА**,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

## СТРАТЕГИЯ

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ТАНЛОВИ ЎТҚАЗИЛАДИ

«Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида 2024 йил 1 мартдан маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар тизимида мукофот жамғармаси 600 миллион сўм миқдоридида хорижий тиллар («Ибрат фарзандлари») бўйича танловлар, киберспорт мусобақалари ва «Заковат» интеллектуал ўйинлари юқори савияда ташкил этилади.

Касблар танловида ғолиб бўлган ёшларни ўз ҳудудларида жиҳозланган устахоналар билан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилади.



**Муслмонлар идораси  
Рамазон ойининг  
биринчи кунин  
2024 йил 11 МАРТ,  
душанба кунига тўғри  
келиши ҳақида хабар  
берди.**



**Қарор лойиҳаси:  
энди янги туғилган  
чақалоқ номига  
ТАМҒАЛАНГАН ДАРАХТ  
кўчатлари экилиши  
мумкин.**



**Халқаро  
ислом савдо-молия  
корпорацияси  
Ўзбекистонга  
100 МИЛЛИОН  
ДОЛЛАР ажратди.**

**ТАҲЛИЛ**

# Йиғилиш ва мажлислар самарасиз... (ми?)

**81 фоиз мажлис иштирокчилари мажлисларда бонқа ишлар билан банд бўлишни аниқлаган**

**Муҳаббат АХМЕДОВА,  
МХТИ лойиҳа раҳбари.**

Harvard Business Review блогида кўра, сўнгги 50 йилда мажлислар сон ва давомийлиги анча ошиб кетган. Мисол учун 1960 йилда раҳбарлар ҳафтада 10 соатдан кам вақтнинг мажлиси ва йиғилишларга ўтказган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 23 соатни ташкил этмоқда.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, бугунги кунда ақлий фаолият билан шуғулланувчи ходимлар 85 фоиз вақтини мажлис ва йиғилишларда ўтказишади. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг нафақат меҳнат унумдорлигига, балки ментал ва жисмоний ҳолатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Тадқиқотчи олим А. Луонг (2005) иш юзасидан учрашуларнинг кўпайиши ходимни ҳаддан зиёд чарчатишни ва субъектив иш юки билан боғлиқлигини аниқлади. Олим С. Роголберг (2007) ўз тадқиқотларида ташкилотлардаги йиғилишлар вақтидан самаралироқ фойдаланиш зарурлигини аниқлади. Чунки самарасиз учрашулар иш билан боғлиқ ресурсларни камайишига олиб келади.

Harvard Business Review 182 нафар юқори лавозимдаги менежерлар орасида сўров ўтказди. Сўров натижаларига кўра, 65 фоиз респондентлар мажлис ва йиғилишлар уларнинг асосий иш фаолиятидаги вазифаларини яқунлашига халақит беришини билдирган.

71 фоиз респондентларнинг фикрига кўра йиғилиш ва мажлислар самарасиз.

Халқаро Солид блоги маълумотларига кўра, 81 фоиз мажлис иштирокчилари мажлисларда бошқа ишлар билан банд бўлишни аниқлаган.

Мажлислар давомийлиги қанча бўлишидан қатъи назар, фақат ўртача 52 дақиқа давомида мажлис иштирокчиларининг эътиборини тортлади, қолган вақт бехуда сарфланади. (Ўзбекистонда эса мажлис иштирокчилари ўртача 40 дақиқадан сўнг эътибори бузилиши маълум бўлди.) Мажлисларнинг ўртача давомийлиги 1 соат 19 дақиқа эканини эътиборга олган ҳолда, ҳар бир иштирокчи 27 дақиқа вақтини бехуда сарфлайди. Бу эса, ўз навбатида, унинг меҳнат унумдорлигини пасайтиради.

Хориждаги кўплаб корхоналар (улар қаторида Facebook ва Atlassian кабилар кирди) мажлисиз кунлар режимида ишлашни қўллаб кўрган. Ушбу кунларнинг самардорлигини баҳолаш учун тадқиқот ўтказилган.

Тадқиқот доирасида 1000 тадан ходимга эга 76 та корхона орасида сўров ўтказилган. Ушбу корхоналарнинг деярли ярми (47 фоизи) ҳафтада икки марта йиғилишларсиз кунларни белгилашга қарор қилди, қолган 40 фоизга камайган. 35 фоиз корхоналар ҳафтада уч кунли мажлисларсиз кунлар деб белгилади, 11 фоиз эса тўрт кунли, қолган 7 фоиз корхоналар учрашуларни бутунлай йўқ қилди.



**Мажлис ва йиғилишларсиз кунларни белгилашни натижалари**

O'ZGARUVCHI	HAFTADA MAJLISLARSIZ KUNLAR				
	1	2	3	4	5
Avtonomlik	62%	78%	83%	86%	88%
Muloqot	45%	57%	61%	65%	68%
Hankorlik	15%	43%	55%	58%	52%
Majburiyat	28%	32%	41%	44%	27%
Mikro-menejment	-33%	-52%	-68%	-74%	-63%
Unumdorlik	35%	71%	73%	74%	64%
Ooqliqish	48%	52%	65%	62%	42%
Stress	-26%	-43%	-57%	63%	-75%

Manba: The Surprising Impact of Meeting-Free Days January 18, 2022 | Ben Laker, Vijay Pereira, Pawan Budhwar, and Ashish Malik

Ҳафтада бир кунли мажлис ва йиғилишларсиз қилиб белгилаш, ходимнинг мустақил ишлашини 62 фоизга, меҳнат унумдорлигини 35 фоизга оширган, стресс ҳолатига учраш эҳтимоллигини 26 фоизга пасайтирган. Ҳафтада икки кунли мажлисларсиз қилиб белгилашни ходимларнинг меҳнат унумдорлигини 71 фоизга оширгани аниқланди (1-жадвал).

Макроектсодий ва худудий тадқиқотлар институти (МХТИ) Ўзбекистондаги мажлисларнинг давомийлигини ва тақрорийлигини аниқлаш мақсадида административ бошқарув ташкилотларида фаолият юритаётган ходимлар орасида сўров ўтказди.

Респондентларнинг деярли 60 фоизи ҳафтада 5 кун, яъни 40 соат ишлади, қолган 40 фоизи ҳафтада 6 кун ишлашини билдирди (48 соат). Респондентлар иштирок этган мажлис ва йиғилишларнинг ўртача давомийлиги 1 ярим соат экани аниқланди.

Респондентлар охириги бир ой давомида ўртача 6 та мажлисда иштирок этган (21 фоизи каммида 10 та мажлисда иштирок этган), уларнинг ўртача 4,1 таси иштирокчиларнинг йўналишига мос келиши аниқланди. Уларнинг 58 фоизи мажлис-

лардан ишига тааллуқли манфаатли маълумотлар олишини, 31,5 фоизи қисман фойда олишини, қолган 10,5 фоизи ишига мос келувчи ҳеч қандай маълумотлар олмаслигини билдирган.

41 фоиз иштирокчиларнинг мажлис давомида эътибори сусаймаган, 30,2 фоиз и 20-30 дақиқадан сўнг эътибори сусайишни билдирган, қолган 28,8 фоиз респондентларнинг диққати 40 дақиқадан сўнг бузилиши аниқланди.

47 фоиз респондентларнинг билдиришича, мажлислар ўз вақтида бошланмайди, улар ўртача 25 дақиқа кечикиб бошланади, бу эса ўз навбатида мажлис иштирокчиларининг вақтини бехуда сарфлашига олиб келмоқда.

Шундай қилиб, давомий ва тез-тез бўлиб турувчи мажлис ва йиғилишлар самарасиз экани кўриниб турибди. Тадқиқот ва хориж таъбиридан келиб чиқиб, самарасиз йиғилиш ва мажлисларни оптималлаштириш тақлиф этилади.

Бунда корхона ва ташкилотларда асосий урғун аҳамиятга молик йиғилишлар режасини олдиндан аниқлаштириш, иштирокчиларни тўғри танлаш (айнан кутарилаётган муаммога бевосита алоқаси бор) ва регламентга риоя қилиш тақлиф этилади. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда мажлис ва йиғилишсиз кунларни киритиш мумкин.

Шунингдек, мажлисларни самарадорлигини ошириш мақсадида тадқиқотчи олим Жон Троппман ишлаб чиққан "Кун тартиби кўнғирғи"дан фойдаланиш та-

сия этилади. Бунда мажлисларни тартибда ўтказиш таъсия этилади:

1. Йиғилиш иштирокчиларига кун тартибини аввалдан эълон қилиш ва уни тасдиқлаш.
2. Йиғилишда кутарилиши режалаштирилган саволлар рўйхатини қисқача санаб ўтиш.
3. Аввало ечимни осон бўлган масалани кўтариш.
4. Ўртача оғирликдаги муаммоларни кўтариш.
5. Энг катта ва ечилиши қийин бўлган муаммони кўтариш, бу мажлис вақтининг тахминан 1/3 қисмига келганда кутарилиши зарур. Мажлиснинг айнан шу вақтида иштирокчиларнинг психологик энергия ва эътибори энг юқори даражада бўлади, шунингдек, жисмоний энергиянинг ҳам энг юқори даражаси ушбу вақтга тўғри келади.
6. Келтириб ўтилган мавзуларни муҳокама қилиш.
7. Кичик мавзулар муҳокамаси.

## Кун тартиби кўнғирғи



Manba: Making Meetings Work SECOND EDITION. John E. Troppman

Ушбу тартибда мажлис ва йиғилишларни ўтказиш унинг самарадорлигини ошириши, регламентга риоя этишига олиб келади.

МХТИ экспертлари мажлисларнинг умумий харажати ва бехуда сарфланган маълумотларни ҳисоблашни икки тасаввурда калкуляторини ишлаб чиқди.

**Биринчиси**, мажлисларнинг умумий харажатини ҳисоблаш учун мажлис иштирокчилари сонини 50 нафар деб фараз қил-

ди ва уларнинг ўртача ойлик иш ҳақини, масалан, 4 000 000 сўм деб олсак, мажлиснинг давомийлиги 90 дақиқа деб фараз қилган ҳолда жами иштирокчиларнинг мажлис учун кетган вақт харажатининг умумий нархи 1 704 000 сўмни ташкил этади.

Мажлисларда бехуда йўқотилган вақтларни ҳисоблаш калкуляторининг биринчи сценарийи юқорида таъкидланган хориж таърибаси тадқиқотлари натижасига кўра, асосан мажлис қанча вақт давом этишидан қатъи назар 52 дақиқадан сўнг иштирокчилар эътиборини йўқотишни аниқлаган.

**Иккинчи сценарий** МХТИ ўтказган сўров натижаларига асосланган бўлиб, худди биринчи сценарий каби ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Мажлис иштирокчиларининг эътибори 40 дақиқадан сўнг сусаяди деб белгилашди. Бундан келиб чиқиб, йўқотилган вақтлар харажати 946 970 сўмни ташкил этади.

Маълумот калкуляторларда мажлис ташкил этишга масъул ходим фойдаланган ҳолда, мажлисларнинг умумий харажатини ҳисоблаш, ой ва йил якунлари бўйича умумий мажлисларга сарфланган иш соати ва йўқотилган муқобил харажатларни (opportunity cost) юритишда фойдаланиш мумкин.

Калкуляторларда [imrs.uz/calculator-new](https://imrs.uz/calculator-new) ҳаволаси орқали ўтиш мумкин.

## ТЕЗКОР ФАКТЛАР

**71 фоиз респондентларнинг фикрига кўра йиғилиш ва мажлислар самарасиз.**

**Мажлис қанча вақт давом этишидан қатъи назар 52 дақиқадан сўнг иштирокчилар эътиборини йўқотишни аниқлаган.**

## Муҳтожга кўмаклашган, албатта, рағбат топади

**ИМТИЁЗ**

Бугунги кунда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами бандлигини таъминлаётган тадбиркорлар рағбатлантирилмоқда. Ушбу, улар қандай имтиёزلардан фойдаланишни мумкин?

Масалан, микрофирма ва кичик корхоналар "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган фуқароларни ишга қабул қилса ва МХТЭМнинг 1 баробаридан кам бўлмаган (1 050 000 сўм) миқдорда ойлик тўласа, ойлик иш ҳақи бўйича тўланган ЖШОДС-нинг яри республика бюджетидан иш берувчига қайтариб берилади. Бунда солиқ суммаси ҳар 1 ходим учун БХМнинг 2 ба-

робари (680 000 сўм)дан ошмаслиги керак. **Имтиёз 2025 йил 1 январгача амал қилади.**

- 20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис" дастури доирасида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган фуқаролар камида 1 йил давомида иш билан таъминланган ва улар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этган тадбиркорлар мол-мулк ва ер солиғи бўйича солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда:
  - 51 тадан 100 тагача янги

иш ўрни яратадиган тадбиркорлар учун мол-мулк ва ер солиғининг амалдаги солиқ ставкаси 50 фоизга;

- 101 тадан 200 тагача янги иш ўрни яратадиганлар учун 75 фоизга камайтирилади;
- 200 тадан орттиқ иш ўрни яратадиганлар маъмурияти солиқларини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, ушбу дастур доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ишга қабул қилиб, уларга МХТЭМнинг 1 баробаридан кам бўлмаган (1 050 000 сўм) миқдорда ойлик тўласа,

ЖШОДС суммаси (ҳар 1 ишчи учун БХМнинг 2 баробаридан ошмаган миқдорда) республика бюджетидан иш берувчига қайтариб берилади ва ижтимоий солиқ ставкаси 50 фоизга камайтирилади. **Имтиёزلар 2025 йил 1 январгача амал қилади.**

Бундан ташқари, "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри", шунингдек, "Темир дафтар", "Ешлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"га киритилган фуқароларни иш билан таъминлаганик учун тадбиркорларга барқарорлик рейтингига рағбатлантирувчи баллар берилади.

## Билиб Қўйинг!

**"Ўловга тасдиқланган" тугмаси**

**Қайси чекларга кешбек берилмайди?**

Қайси чекларга ва нима учун кешбек бериш рад этилганини ёки тасдиқланмаётганини "Солик" мобил иловасида осон билиб олишингиз мумкин. Илованинг "Ўловга тасдиқланган" тугмаси босилиб, керакли ой танланганда ўша ойда рўйхатдан ўтказилган чеклар рўйхати шаклланади.

Чеклар қизил рангда бўлса, кешбек бериш рад этилганини, кўк ранг кешбек тасдиқланиш жараёнида эканини, яшил ранг эса кешбек тасдиқланганини билдиради.



**"Багафсил" тугмаси**

**Қайси чекларга кешбек бериш рад этилади?**

Шубҳали харидор деб топилган фойдаланувчи чекларига, Чедаги махсулот идентификация коди нотўғри бўлса, шунингдек, кешбек берилмайдиган махсулот ва хизматлар чеки рўйхатдан ўтказилган бўлса.

Автомобил, темир йўл ва авиа чипта сотиб олганда, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов қилинганда берилмайдиган чеклар ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан берилмайдиган харид чеклари учун кешбек берилмайди.

Айнан қайси сабаб билан кешбек бериш рад этилганини билиш учун кизил рангдаги чек танлаиб, "Багафсил" тугмаси босилади.



**"Қўшимча маълумот" тугмаси**

**Қайси ҳолларда чеклар кешбек тасдиқланмаётгани жараёнида бўлади?**

Чек берилган тадбиркорлик субъекти солиқ ҳисоботлари топширмаганда, ҳисоботларда камчиликлар бўлганда, шунингдек, 1 млн. сўмдан орттиқ солиқ қарздорлиги бўлса.

Айнан қайси сабаб билан кешбек тасдиқланмаётганини кўриш учун кўк рангдаги чек танлаиб "Багафсил", сўнгра "Қўшимча маълумот" тугмаси босилади. Тадбиркорлик субъекти юқоридаги камчиликларни бартараф этганда кешбек автоматик равишда тасдиқланади.

**Даврон ҲОШИМОВ,**  
Солиқ қўмитаси бош инспектори.



Божхона тўловлари тўлаш бўйича қарздорлик БҲМнинг 20 ФОИЗИДАН ОШМАСА, у шаклланмаслиги белгиланди.



Беш ёшдан юқори тил ўрганувчилар учун "SPEAKINGCLUB.UZ" платформаси яратилди.



Бош прокуратура: атроф-муҳитга зарар етказиш ҳолатлари бўйича 205 ТА ЖИНОЯТ иши қўзғатилди.

ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ

# “Кулф-калити” бор манзилга бегоналар кирмайди

**Зокир ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
Хива туманидаги “Истиклол” маҳалласи профилактика инспектори.

“Истиклол” маҳалласида уч мингдан зиёд аҳоли мавжуд. Худуддаги 29 та хизмат кўрсатиш шохбачаси аҳолининг барча юмушларини маҳалланинг ўзида ҳал этишга кўмаклашмоқда. 2 та мактаб, битта давлат, иккита нодавлат боғчаси 879 та оила фарзандларига таълим-тарбия бермоқда. “Баҳор” тўйхонаси халқнинг шукрона кунига хизмат қиляётган бўлса, “Оталар чойхонаси” кексаларни бир пиёла чой устида бирлаштирмоқда.



Агар бирор бегона шахс ёки автотransпорт воситаси маҳалла худудига кирса, планшетга хабар келади.

Албатта, ҳар қандай тараққиётнинг асосини тинчлик, осойишталик ташкил этади. Шу боис “Обод ва хавфсиз маҳалла” дастури асосида маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, рақамли технологиялар, кузатув камералари имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда маҳалладаги барча кўчаларнинг кириш-чиқиш жойларига, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотига, шунингдек, жамоат жойларига 40 та кузатув камералари ўрнатилиб, хизмат хонамга интеграция қилинган.

Ушбу камераларнинг 4 таси фуқаролар шахсини аниқловчи, 2 таси автотransпорт воситалари рақамларини қайд қилувчи кузатув камералари бўлиб, улар ёрдамида маҳаллани тўлиқ онлайн назорат қилиб, худудга келиб-кетувчи шахслар ва транспорт воситаларини кузатиб борамади. Кузатув камераларини хизмат хонамда ўтириб, кузатиб туришим шарт эмас, хоҳлаган жойда, хоҳлаган вақтимда планшетим ёрдамида кузатиб боришим мумкин. Агар бирор бегона шахс ёки автотransпорт воситаси маҳалла худудига кирса, планшетга хабар келади.

Бундай имкониятлар натижасида маҳалла жиноятчиликлдан холи худудга айланди. 2023 йил бирорта жиноятчилик қайд этилмади. Шунингдек, аҳолининг тунги соат 22:00 дан кейин кўчада мақсадсиз юриши кескин камайди, вояга етмаганларнинг машина ҳайдаши ва сигарет чекиш ҳолатларига барҳам берилди.

Қолаверса, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган фуқаролар билан тизимли ишланиши катта самара берди. Чунки 66 нафар ана шундай тоифадаги фуқаролар билан 14 та йўналишда иш олиб борилиб, уларнинг 30 нафарига ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, махсус рўйхатдан чиқарилди. Айни пайтда профилактика ва пробация рўйхатида турган 5 нафар фуқарони шахсан ўзим назорат қилиб боряпман.

Бундан ташқари, маҳалла худудида доимий яшайдиган фуқароларни “яшил” тоифага, маҳалла худудидан ташқарида юрган фуқароларни ёки вақтинча келиб яшаётганларни “сарик” тоифага, профилактика ва пробация ҳисобидига ва илгари судланган ҳамда қидирувдаги шахсларни “қизил” тоифага ажратиб олганман.

Эндиликда хизмат хонамда бўлмаган пайтда ҳам аҳоли ўз муурожаатини менга онлайн йўллаши мумкин. Бунинг учун маҳалла идораси биноси олдига ўрнатилган “SOS” чакирув тумасини босса кифоя, хизмат электрон планшетим ва мобил телефонимга хабар келади. Шу орқали ҳар қандай вазиятни тезкор бартараф этиш имконияти яратилди.

Яқинда давлат раҳбарининг маҳалламизга таширидан сўнг фаолиятимиз билан яқиндан танишиш учун шахар ва туман ички ишлар органлари раҳбарлари учун кўргазмали-семинар ўтказилди. Қуноварлиси, вилоят ИИБ бошқармаси бошлиғи жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги тажрибамизни оммалаштириш мақсадида барча профилактика инспекторлари ва масъул раҳбарлар учун кўргазмали-семинар ўтказиш топириғини берди.

Бир сўз билан айтганда, бугун “Истиклол” маҳалласи давлат раҳбари таъқидлаганидек, том маънода ўзининг “кулф”и ва “калити”га эга.

ЗИШТИНГИЗМИ?

## Ов мuddати яқунланди

Ноқонуний ов учун қатъий жавобгарлик белгиланган!



Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлдаги “Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, 28 февралдан ов қилиш мuddати яқунланди. **Тақққ 15 августгача давом этади.**

**МАЪЛУМОТ УЧУН,** ов мавсуми даврида ноқонуний ов билан боғлиқ бўлган 1000 дан ортиқ ҳолат аниқланди. **Ҳуқуқбузарларга нисбатан қарийб 3 миллиард сўмга яқин жарима ва зарарлар қўлланилди.** Шунингдек, улардан 837 та ҳайвон ва парранда, 2 836 кг. балиқ, 160 дан ортиқ ноқонуний ов қуроллари олиб қўйилган.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фуқаролардан чеклов вақтида табиати муҳофаза қилиш қонунчилиги талабаларига риоя этишни, шу билан бирга, қуш ови бўйича берилган рухсатномаларни ов мuddати яқунланганидан сўнг 10 кун мuddатда Ўзбекистон Ови ва балиқчилар спорт бирлашмаси ва унинг бўлинмаларига қонунда белгиланган тартибда топиришларини сўрайди.

МУҲИМ!

Ноқонуний ов билан боғлиқ қонун бузилиши ҳолатларига дуч келсангиз, Экология вазирлигининг 11-57, 12-07 ишонч рақамларига ёки вазирликнинг худудий бошқармаларга муурожаат қилинг.

УНУТМАН!

Ноқонуний ов учун қатъий жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу борада юзга келадиган ҳар бир ҳолат бўйича ўрнатилган тартибда қонун устуворлиги таъминланади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

# Олий суд интернет тармоғида 1 000 дан ортиқ манбаани таққққлаган



**Азиз ОБИДОВ,**  
Олий суд ахборот хизмати раҳбари

2019 йилдан ҳозирга қадар Олий суднинг 80 дан зиёд хал қилув қарори асосида 1 000 дан ортиқ манба таққққланган. Бу ҳақда Олий суд ахборот хизмати раҳбари Азиз Обидов маълум қилди.

Масъулнинг таъқққлашча, Президентнинг 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 8-бандида Олий суд ўзининг расмий веб-сайтлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали суд томонидан экстремистик ёки террористик деб топилиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида фаолияти таққққланган ташкилотлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобил мессенжерлар рўйхатини эълон қилиб, унинг доимий равишда янгилаб борилишини таъминлаши алоҳида қайд этилган.

Президент қароридидаги белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида Олий суд мамлакатимиз худудидаги веб-сайтидаги “Очиқ маълумотлар” рўйхатини расмий **sud.uz** веб-сайтидаги “Очиқ маълумотлар” рўйхати мунтазам аниқлаб, эълон қилиб бормоқда. Зотан, фаолияти таққққланган ташкилотлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқ ва мобил мессенжерлар орқали юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга диний тус бериш, соҳта ғояларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш ва аҳоли орасида

Тўлиқ рўйхат билан **sud.uz** веб-сайтидаги “Очиқ маълумотлар” рўйхати орқали танишиш мумкин.



**БИЛИБ ҚЎЙИНГ!**

Беш йилдан саккиз йилгача озодликлдан маҳрум қилишга сабаб бўлади.

носоялом ақидани сингдириш ҳолатлари кузатишмоқда. Қолаверса, экстремизм ва терроризм сингари бузғунчи ғоялар билан йўғрилган бундай манбалар ҳаётий тажрибаси ва диний билмлари етарли бўлмаган баъзи ёшларга таъсир ўтказиб, уларнинг онгида ёвузлик, кўпуровчилик сингари иллатларни шакллантириши ҳеч гап эмас.

Айтиш жоизки, бундай бузғунчилик ва вайронакорликни тарғиб қилувчи манба ва материалларни суд тартибидида таққққлаш амалиёти хорижий давлатларда ҳам кенг қўлланилади. 2019 йилдан бугунгигача қадар Олий суднинг 80 дан зиёд хал қилув қарори асосида Интернет тармоғидидаги, хусусан, “Meta” (Facebook), “Одноклассники”, “Instagram” ва “TikTok” ижтимоий тармоқлари, “Telegram” мобил мессенжери, “YouTube” видеохостинги ва бошқа 1000 дан ортиқ манба ва улардаги материаллар диний ақидапараст-

лик, экстремистик ва террористик ғояларини тарғиб этишга йўналтирилган деб топилиб, уларни Ўзбекистон худудида тайёрлаш, тарқатиш, сақлаш, олиб кириш ва намойиш этиш таққққланган.

Бинобарин, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига кўра, ҳар қандай диний мазмундаги материаллар тарқатиш ва тарқатилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъқққлаш жоизки, ноқонуний деб топилиган манба ва контентлардан аҳолини хабардор этиш – мазкур йўна-

лишда олиб борилаётган фаолиятнинг самарадорлигини белгилаб берувчи муҳим омиллардан биридир. Албатта, диний ақидапарастлик, экстремистик ва террористик мазмундаги материаллар жойлаштирилган интернет нашрлар, каналлар, сахифалар, профилларни аниқлаш ва уларнинг фаолиятига чек қўйиш юзасидан масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда йўлға қўйилган механизм асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бирок бу чора-тадбирларга қармай, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш билан боғлиқ қилмишларни содир этиш ҳолатлари ҳамон учираб тургани ғоятда ташвишлидир.

Холбуки, бундай жиноий қилмишларга нисбатан амалдаги қонунчилигимизда қатъий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Хусусан, **Жиноят кодексининг**

244-1-моддасига мувофиқ, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш **базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача** миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тuzатиш ишлари ёхуд **бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёки уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.**

Шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қойдаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч юз бараваридан тўрт юз баравари-**

гача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд **уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилишга олиб келади.**

**Юқоридидаги ҳаракатлар:**  
а) *олдиндан тил бириктириб ёки бир зурӯх шахслар томонидан;*  
б) *хизмат мавқеидан фойдаланиб;*  
в) *диний ташкилотлардан,*  
шунингдек чет эл давлатлари, ташкилотлари ва фуқароларидан олинган маънавий ёки бошқа моддий ёрдамдан фойдаланиб;

г) *оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодлиқдан маҳрум қилишга сабаб бўлади.*

**Қадри ота-оналар ва ёшлар диний ақидапарастлик, экстремизм ва терроризм тузугига тушиб қолишдан доимо сақланинг. Бунинг учун суд таққққлаган интернет манбаалардан йироқ бўлинг.**



2024 йилда болаларнинг мактабгача таълим билан қамров даражаси 76 ФОИЗГА етказилади.



Қатардаги танловда Ўзбекистоннинг "IMAN" стартапи топ-3 таликка кирди.



Намангандаги "Афсоналар водийси" паркида баландлиги 92 метр бўлган Ўзбекистондаги ЭНГ МАҲОБАТЛИ ЧАРХПАЛАК ишга тушди.

МОҲИЯТ

## Болалар омбудсмани боланинг қандай ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади?

Болалар ҳар доим меҳрга, ғамхўрликка муҳтож бўлади. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ қафолатланиши шахс сифатида шаклланиши, давлат ва жамият истиқболли мустақкам бўлишида ниҳоятда муҳимдир. Шу маънода қуни кеча қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида"ги қонуни бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Қонунда Болалар омбудсманини сайлаш тартиби, вазибалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, фаолиятининг асосий жиҳатлари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиб-таомиллари, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги каби муҳим нормалар мустақкамлангани эътиборга молик.

Шунингдек, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг рия қилиш ҳолати ҳақида маъруза тақдим этиши мазкур ҳужжатда акс этган.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг маърузасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг мажлисларида кўриб чиқиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Қонунга кўра, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўзининг фаолияти билан боғлиқ масалаларга доир қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритишга ҳақли экани мустақкамланган. Энг муҳими, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишни гуруҳлар фаолиятида иштирок этиши мумкин.

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига таалуқли масалаларга доир қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари мажбурий тартибда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил билан келишилиши энг муҳим янгиликлардан биридир. Ушбу қоидадан кўриниб турибдики, қонунчилик ҳужжатларида бола ҳуқуқлари қай даражада акс этиши бундан кейинги кун тартибидаги асосий жиҳатлардан бири бўлади.

Шу билан бирга, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги огоҳлантириш эълон қилиши, қонунчиликдаги бузилишлар, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиши белгиланган.



**Фирдавс ШАРИПОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг  
Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва  
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари  
қўмитаси раиси ўринбосари.

Қонундаги муҳим жиҳатлардан яна бири, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган таълим, тарбия, тиббиёт муассасаларига, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига, тергов ҳибсхоналари ва тарбия колонияларига мунтазам кириб туриш орқали болага нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриши мустақкамланган.

Албатта, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар асосан ҳудудларда амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги минтақавий вакиллари фаолияти қонун билан йўлга қўйилади.

Яна бир таъшиланган ҳолат – кейинги вақтларда болалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, болага қарши жиноятлар учрамоқда. Ушбу ҳолатларда боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафили бўлиши нуқтаи назардан бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд билан ҳамкорлиги белгилаб қўйилган.

Албатта, мазкур қонун болаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини янада мустақкамлайди. Ҳимояга муҳтож болаларга ғамхўрлик кўрсатишга асос бўлади. Шунингдек, бола ҳуқуқларини қафолатлаш бўйича халқаро майдонда мамлакатимиз нуфузини янада оширишга ёрдам беради.

# Йиқилганга суянч ва таянч бўлдик

## ЭЪТИБОР

Умиджон Усмонов оғир ақлий заифлик ташҳиси билан 1-гуруҳ ногиронлигини олган. Турмуш ўртоғи Амирой Кушаева эса чап сон суяги тўрма чиқиши ташҳиси бўйича 2-гуруҳ ногирони. Оилада фарзанд йўқ. Иккиси ҳам тушкун кайфиятда. Жамиятдан ҳамда ён-атрофдагилардан ўзини олиб қочишга уринади.

Термиз шаҳридаги "Гулистон" маҳалласида яшовчи бу оила 2009 йилда турмуш қурган, 2014 йилдан буён кредит тўлови асосида топширилган кўп қаватли уйда истиқомат қилади. Сўхбат жараёнида оилга келадиган даромадининг йўқлиги, ногиронлик нафақаси ҳисобига яшаб келаётгани, унинг кредит қарздорлиги сўндирилмагани аниқланди.



ишлаб чиқилди.

"Гулистон" маҳалласи ижтимоий ходими Амиройнинг қўл меҳнати билан тиккан маҳсулотларини сотишда амалий ёрдам кўрсатди. Яна 100 дан ортик буюртмаларни қабул қилиб олди. Ҳозир унинг қарашлари анча ўзгарган. Давлат яратиб бераётган имкониятлар

инобатга олиб, индивидуал ижтимоий хизматлар режаси ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш учун тегишли ташкилотларга йўналтирилди. Бугунги кунда фуқаролик паспортини олиш учун сайёр хизмат кўрсатилди ва "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази аравача билан таъминланди.

"Гулистон" маҳалласидаги ижтимоий ходим ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган ота-оналарга ишлаши ёки бошқа машғуллотлар билан шуғулланиши учун имконият яратиш ҳамда боланинг бепул таълим олишини таъминлаш мақсадида маҳалла ҳудудида жойлашган махсус мактабгача таълим ташкилотидаги таълим шакллари ҳамда Психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг фаолияти юзасидан ахборот бериб бормоқда. Бунинг натижасида Махсус мактабгача таълим ташкилотида қамров ортиб, маҳалланинг ўзида 12 та шундай болалар таълимга жалб этилди.

"Гулистон" маҳалласидаги ижтимоий ходимнинг таклифи асосида Термиз шаҳар ҳокимлиги ушбу маҳаллада кичик тикув цехи очиб берди. Ушбу цехда 14 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар иш билан таъминланди. Айни вақтда бириктирилган тадбиркор кўмагида буюртмалар қабул қилиш бошланди.

"Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари олдида улкан вазибалар қўйилган. Яратиб берилган имконият ва библириган юксак ишонч эса уларга янада куч-ғайрат бағишлаши шубҳасиз.

**Муҳиддин ТОҒАЕВ,**  
Ижтимоий ҳимоя миллий  
агентлиги Сурхондарё вилояти  
бошқарма бошлиғи.

"Гулистон" маҳалласи ижтимоий ходими Амиройнинг қўл меҳнати билан тиккан маҳсулотларини сотишда амалий ёрдам кўрсатди. Яна 100 дан ортик буюртмаларни қабул қилиб олди. Ҳозир унинг қарашлари анча ўзгарган. Давлат яратиб бераётган имкониятлар ва қўлайликлардан фойдаланиб, ҳаётига ўзгача руҳ ва кайфият кириб келганидан хурсанд.

Амиройнинг кўлида тикувчилик хўнари бўлса-да, турмуш ўртоғининг ўзгалар парваришига муҳтожлиги сабаб доим унинг ёнида бўлган. Уй шароитида қурокдан кўрпа-тўшақлар тикиш билан шуғулланган.

Оилани бундай вазиятдан чиқариш мақсадида ижтимоий ходим, психолог ва нуронийлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилди. Дастлаб уларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш ҳамда яқин қариндош ва қўннлар ўртасидаги муносабатини тиклаш, атрофдагилар билан ўзаро мулоқотини яхшилаш, ижтимоий ҳаётга мослашишига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳар иккисига патронаж ҳамшира билан биргаликда тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича жадвал

ва қўлайликлардан фойдаланиб, ҳаётига ўзгача руҳ ва кайфият кириб келганидан хурсанд.

Ўзгал Музрапова болаликдан ногиронлиги бўлган фарзандига сиҳаттоғга йўлланма олишда ёрдам кераклигини сўраб мурожаат қилди. Шунга асосан оила учун кейс очилди ҳамда шу куннинг ўзида бирламчи баҳолаш ишлари амалга оширилди.

Шодмон Баҳодирова болалар церебрал фалажлиги бўлганлиги сабабли сиҳаттоғда муолажа олишга эҳтиёжи борлигидан ташқари, ногиронлик аравачасининг ярқоқлик муддати тугагани, ўзгалар парваришига муҳтож бўлгани учун шу кунга қадар шахсини тасдиқловчи паспорт ололмайд келаятгани аниқланди. Барчасини



## Оз миқдори аврайд, кўпроғи заҳарлайди

### САЛОМАТЛИК

**Шухрат ШУКУРОВ,**  
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг  
тамакига қарши курашиш бўйича  
бош консултанти.

Тамаки тутунинда 7 мингдан ортик кимевий моддалар бўлиб, уларнинг аксарияти соғлиқ учун зарарли. Айниқса, кучли наркотик таъсирга эга бўлган ва ўзига қарамликни келтириб чиқардиган никотин жуда хавфли. Унинг оз миқдори бўшаши ва яхши кайфият ҳиссини туғдиради, кўп миқдори эса юрак ва марказий асаб тизимига тез таъсир қилувчи заҳар ҳисобланади.

Ўсмирларда никотинга жисмоний ва руҳий қарамлик жадал ривожланади. Утиш даврида бу модда ўқувчиларнинг, аввало, миясига зарарли таъсир кўрсатади. Натижада хотира ва билим олиш қобилиятининг пасайишига, кучли қарамлик ва таҳликали неврозларга олиб келади.

Тамаки чекувчи ўқувчиларда нафас йўллари ва қулоқ инфекциялари юқши эҳтимоли ортади, уларда йўтал, бронхит, пневмония, астма ва нафас етишмовчилиги кузатилади.

Бундан ташқари, тамаки чекиш милк, суяк тўқимаси, тиш боғламаларининг бузилишига, тишларнинг барвақт тўқилиши каби саратонли ҳолатларга олиб келади. Кейинчалик эса чекувчиларда оғиз бўшлиғи, тил, лаб, милк, ҳиқилдоқ, қизилунгач, ошқозон ва ошқозоноти бези саратони ривожланиш эҳтимоли кескин ошади.

Бундай ҳолат юртимизда тамаки чекишга қарши олиб борилаётган профилактик тадбирларни янада кучайтириш ва кескин чоралар кўриши тақозо этади.



**Муроджон Аҳмадалиев, Отабек Холматов, Шахрам Фӣсов ва Исроил Мадримов WBA РЕЙТИНГИДА биринчи ўринни эгаллади.**



**Пара пауэрлифтинг бўйича жаҳон кубогига РҶЗА ҚҶЗИЕВА ва АҚИДАХОН АХТАМОВА олтин медалларни қўлга киритди.**



**“Насаф”, “Навбахор”, “Пахтакор” ва ОКМК Осиё чемпионлар лигасида жами 1 МЛН. 6 30 МИНГ ДОЛЛАР ишлаб олди.**

## ТАДҚИҚОТ

# “Аёллар, бизнес ва қонун”

## Индексдаги кўрсаткичлар нимадан далолат беради?




**Бобур ХОНТУРАЕВ,** “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

**М**амлакатда турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, янгилаш ва ўзгаришлар халқаро рейтинг ва индексларда яққол намоён бўлади. Шу йўналишдаги натижаларни таҳлил қилиш мақсадида “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти қатор тадқиқотлар ўтказиб келмоқда. Хусусан, Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” индексиди мамлакатимиз қандай ўринда экани таҳлил қилинди.

Жаҳон банки “Аёллар, бизнес ва қонун” индекси (WBL)ни 2009 йилда ишлаб чиққан бўлиб, 2010 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ушбу индекс аёлларнинг иқтисодий имкониятларига таъсир кўрсатадиган қонун-қодалар ҳақида маълумот тўплайдиган. У 190 та мамлакатни қамраб олган бўлиб, жами 35 та савол ва 8 та кўрсаткич бўйича мамлакатда эркаклар ва аёлларнинг иқтисодий имкониятлардан фойдаланишдаги ҳуқуқий тафовутларни баҳолайди.

Юртимиз мазкур индекснинг асосий индикаторлари бўйича 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик масаласида аҳамиятга молик ислохотларни амалга оширган 27 та давлат қаторига киритилди ҳамда 5 поғонага юқорилади. Натижада Ўзбекистон дунё давлатлари орасида 134-ўринни эгаллади. Бироқ 2021, 2022 ва 2023 йиллардаги ҳисоботларда Ўзбекистон 70,6 балл тўплаб, ўзгаришсиз қолиб келмоқда эди.

Жумладан, “Иш жойи” – 50 балл, “Ойлик тўлов” – 25 балл, “Никоҳ” – 80 балл, “Пенсия” – 50 балл, “Ота-оналик” – 60 балл, қолган “Харакатчанлик”, “Тадбиркорлик”, “Кўчмас



мол-мулк” каби кўрсаткичлар бўйича эса 100 балдан иборат натижа кўрсатган эди.

Индекснинг 2024 йилги ҳисоботида кўра, Ўзбекистон 190 та давлат орасида 82,5 балл билан (11,9 балл юқорида) Марказий Осиёда биринчиликни эгаллади. Бунда “Харакатчанлик”, “Тадбиркорлик”, “Кўчмас мол-мулк”, “Ойлик тўлов”, “Никоҳ”, каби кўрсаткичлар бўйича 100 балл тўплаган бўлса, “Иш жойи” – 50 балл, “Пенсия” – 50 балл, “Ота-оналик” кўрсаткичидан 60 балл тўплаган.

2023 йилда бутун дунё мамлакатлари ҳуқуқий тенг имкониятлар ислохотининг учта тоифаси – иш ҳақи, ота-она ҳуқуқлари ва иш жойини ҳимоя қилиш бўйича ислохотларига алоҳида эътибор қаратди. Бунда, айниқса, Озарбайжон, Иордания, Малайзия ва Ўзбекистон мамлакатлари биргаликда тенг қийматдаги иш учун тенг ҳақ тўлашни

талаб қилувчи ҳамда аёлларнинг sanoat ёки хавфли ишларда ишлаш қобилиятига қўйилган чекловларни бекор қилувчи 10 та ислохотни амалга оширгани билан пешқадамлик қилмоқда. Умуман олганда, Иордания, Малайзия ва Ўзбекистон кўплаб соҳаларда ўтказилган кенг қамровли ислохотлар туфайли энг кўп яхшилانган иқтисодлар бўлди ва ўз кўрсаткичларини 19 дан 28 фоизгача кўтарди.

Натижалардан кўриш мумкинки, бугун юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Қилинаётган ишлардан кўзланган асосий мақсад эса аёлларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини янада ошириш, иқтисод ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун етарлича шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

## ВОЛОНТЁРЛАР ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ?

“Инсон” ижтимоий хизматлар марказларида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш истагидаги волонтерлар куйидаги йўналишларда хизмат кўрсатади:

- ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ёки ёлғиз кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни аниқлашда кўмаклашиш;
- марказга ташриф буорган фуқароларни кутиб олиш, мавжуд ижтимоий хизматлар ва улардан фойдаланиш ҳақида маълумот бериш, ахборот технологияларидан фойдаланишда ёрдам бериш;
- аризалар ва шаклларни тўлдиршида кўмаклашиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг марказларда ҳаракатланишига кўмаклашиш;
- махсус жиҳозланган ўйин майдончасидаги болалар бурчагига ташриф буорувчиларнинг болаларига ёрдам бериш каби хизматлар кўрсатилади.

Кўнгилли сифатида аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёнида ўзининг ҳиссасини қўшиш истагида бўлганлар [volontyor.uz](http://volontyor.uz) платформаси орқали рўйхатдан ўтиши ва «Инсон» марказларида ижтимоий ходимларга кўмаклашувчи жамоага қўшилиши мумкин.

“Қандай муаммо қийнаяпти”, деган саволнинг замони ўтди

МУШОҲАДА

## “КЕЛАЖАК”ни уйғота олдик

“Қандай муаммо қийнаяпти”, деган саволнинг замони ўтди



**Назокат НАБИЕВА,** Улуғнор туманидаги “Келажак” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

**М**аҳалла тизимида фаолият бошлаганимда ҳали жуда ёш, тажрибам кам эди. Ич-ичимда бундай масъулиятли лавозим, билдирилган ишонч-ни оқлай оламани, деган ҳадик ва кўрқув бор эди. Лекин жамоамиз, оқила аёллар ҳамда маҳалламиз хотин-қизлари ҳар ишда менга кўмакчи бўлди. Бирор муаммоли масалани ҳал қилишга тўғри келса, албатта, биргаликда ечим топамиз.

Ҳар куни эрталаб ишни кўчабошиларга кўнгирик қилишдан бошлайман. Аввало, аёлларнинг кайфиятини сўрайман. Янгиликлар, муаммоли масалалар ҳақида сўриштираман. Шу асосида ўзим учун кунлик ва ҳафталик режа тузиб оламан. Душанба кунини турли тадбир ва учрашувлар ташкиллаштирсак, пайшанбада маҳалла раиси ва профлактинспектори билан жиноятчиликка мойил ёки жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли бўлганлар билан учрашамиз. Жума ва шанба кунлари “Аҳил оила” кунини ўтказилади. Унда намунали оилаларнинг эришган яхши натижалари, ютуқлари ҳақида сўраймиз. Худудимиздаги оилаларнинг муаммосидан келиб чиқиб саволларимизга жавоб оламиз. Баъзан ёш оила вакиллари бирга олиб борамиз.

Бундан ташқари, 13 та кўчамиздаги намунали оилалар энди турмуш қурган ёшлар ҳолидан хабар олиб туришадиган. Муаммоли масалалар юзага келса, дарров бизни хабардор қилишадиган. Кўчабошилар, бувижонлар мактаби аъзолари ўз тавсия ва маслаҳатларини аямайди. Айниқса, “Аёллар маслаҳат кенгаши”даги зиёли, кўплаб ютуқларни қўлга киритаётган хотин-қизлар ишсизларни ишга жойлаш, тадбиркорликка йўналтириш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб келяпти.

Маҳалламиздаги ҳар бир кўча маълум йўналишга ихтисослашган. Биттасида аёллар касаначиликнинг кўрпа-тўшак тикиш йўналишида меҳнат қилса, яна бошқасида сават



Маҳалламиздаги ҳар бир кўча маълум йўналишга ихтисослашган. Биттасида аёллар касаначиликнинг кўрпа-тўшак тикиш йўналишида меҳнат қилса, яна бошқасида сават тўқиш билан шуғулланади. Қолаверса, асарличилик, паррандачилик қиладиган кўчалар бор.

Маҳалламизда қандайдир уйғониш рўй берди. Одамлар ўз устиде ишлаш бошлади.

тўқиш билан шуғулланади. Қолаверса, асарличилик, паррандачилик қиладиган кўчалар бор. Қадимдан кўни-кўш-нилар ҳунарини бир-бирига ўргатиши натижасида шундай ихтисослашув юзага келган.

Бу йилги хатлов жараёнида вилоят ҳокимининг тавсиясига кўра, аҳолига “Қандай муаммо қийнаяпти”, деб эмас, аксинча, “Ишлаш учун нима тўқинлик қияпти?” деган савол билан мурожаат қилдик. Қандай ёрдам беришимиз мумкинлигини сўрадик. Кўпчилиги қўшниларининг қилаётган ишига қизиқиш, яхши даромад топаётганига ҳаваси келтирди билдиришди. Шундан сўнг маҳалламизда қандайдир уйғониш рўй берди. Одамлар ўз устиде ишлаш бошлади. Билмайдиганлари шогирд тушиб, ўрганяпти. Иш бошланганларга янада ривожланиши учун ёрдам берамиз.

Жорий йилда “Аёллар дафтари”га 67 нафар фуқаро киритилган бўлса, шундан 53 нафар хотин-қизлар ишсизлик бўйича рўйхатга олинди. Лекин уларнинг орасида ўзини ўзи банд қилганлари кўпчиликини ташкил этади. Фақат расмий равишда рўйхатдан ўтмаган. Ҳозирда “маҳалла еттичилиги” билан ҳамкорликда шу масалани ҳал қилишга киришдик.

Таманноҳон Раҳмонова касаначилик йўналишида турли кўрик-танловларнинг вилоят босқичида фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Хунармандлар уюмисидан рўйхатдан ўтиб, устоз-шоғирд мактабини очган. Айни вақтда 10 нафар қизларга шу соҳанинг сир-асорларини ўргатиб келмоқда. Ишида унум ва барака бор, битта келин сарпони бир ҳафтада тўла-тўқис битириб беради. Бундан ташқари, тайёр маҳсулотларни сотувга чиқаради. Асосан миллийликка уруғ бергани учун ҳадридорлари жуда кўп.

Бугун маҳалла тизимида олиб борилаётган ислохотлар аҳоли билан ишлашда қатор кулайликлар яратиб бермоқда. Худудни айрилиб юриб, кимнинг қандай муаммоси бўлса, кўлимиздаги планшет ёрдамида электрон платформага жойлаб кетаямиз. Аввалгидек хонада ўтириб, алоҳида вақт сарфлаб компьютерга киритишнинг ҳолати қолмади.

**Мулоҳазаларим:** жамиятда ўсиш, янада кўпроқ ўзгаришлар бўлиши учун, аввало, хотин-қизларни ўқишига алоҳида эътибор қаратиш керак. Айниқса, оила бошларига бунинг оиласи, фарзандларининг келажоги учун муҳим эканини тушунаётганимиз зарур. Эҳтимол, оммавий ахборот воситаларида шу йўналишдаги тарғибот дастурларини кўпайтириш керакдир. Эътибор бериладиган бўлса, мактабда ўқиб болаларга нисбатан қизлар аълочили бўлади. Лекин вақтида эътибор қаратиш керак, қанчадан-қанча истеъдодлар рўёбга чиқмай қолиб кетади.



**Mahalla**

Ўзбекистон маҳаллалари уюмисининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ  
Дизайнер: Абдулазиз АХМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «Mahalla» nashriyot-matbaa uyisi MЧЖ

Тахририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.  
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмаҳонасида chop этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.



Ўлчами – 380x587, 4 б.т. 8 580 нусхада chop этилди. Буюртма №: Г-320

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.